


Ўзбекистон Республикаси



Халқ сузи



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

16 декабрь, жума, 1994 йил
Сотувда эркин нархда. № 245 (993)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти.

Р. ШАГАЕВ тасвири (ЎЗА).

15 декабрь кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаҳон банкининг Россия ва Марказий Осиё бўйича бўлими директори Юкон Хуангни қабул қилди.

Ислам Каримов меҳмони мамлакатимизга ташрифи билан қутлар экан, унга республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ҳамда Жаҳон банкининг Тошкентдаги ваколатхонаси билан ўрнатилган ҳамкорлик самаралари тўғрисида сўзлаб берди. -- Бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантириш йўлидан бораётган ҳар бир мамлакат Жаҳон банки билан яқин алоқа ўрнатмас экан, қисқа муддатда иқтисодий ислохотлар муваффақиятини таъминлаши қийин, -- деди Президент.

Жаҳон банки республикамизга имтиёзли ёрдам беришга тайёр эканини билдириди.

Самимий ва дўстона суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги ўзаро ҳамкорликка оид масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов, Ўзбекистон Марказий банки бошқаруви раиси Ф. Муллажонов иштирок этди.

Қабул чоғида Жаҳон банкининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси раҳбари Парвез Ҳасан ҳозир бўлди. (ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКАДА САВДОНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Истеъмол бозорини озиқ-овқат ва нооziқ-овқат товарлари билан тўлдиринишда савдо ташкилотларининг манфаатдорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

1. Белгилаб қўйилсинки, 1995 йил 1 январдан бошлаб савдо устамалари таварларини ташини, сақлаш ва сотиш харажатларидан келиб чиққан ҳолда савдо корхоналари томонидан мустақил равишда белгиланади.
2. Чакана савдо тармоғида мавжуд бўлиши мажбурий бўлган озиқ-овқат ва нооziқ-овқат таварлари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Бу банднинг сўзсиз бажарилиши учун жавобгарлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига таъин қилинсин.
4. «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси, Ўзбекирлашув, савдо тармоғига эга бўлган вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига таъин қилинсин.
5. Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 6 мартдаги 59-сон, 1991 йил 1 апрелдаги 80-сон қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 февралдаги 98-сон қарорининг 1 ва 7-бандлари, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 30 майдаги 199-ф-сон фармойиши 1995 йил 1 январдан бошлаб ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.
6. Мазкур қарорнинг бажарилиши назорат қилиш Бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов зиммасига юклансин.

топиш, истеъмол бозорини тўлдириниш ишларини давом эттирсинлар, уларнинг республика аҳолисига узлуксиз сотилишини таъминласинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И. КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
1994 йил 14 декабрь

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА ИЛОВА

- Чакана савдо тармоғида мавжуд бўлиши мажбурий бўлган асосий озиқ-овқат ва нооziқ-овқат товарлари рўйхати
1. Ун
 2. Макарон маҳсулотлари
 3. Ўсимлик ёғи
 4. Қанд-шакар
 5. Чой
 6. Туз
 7. Кирсовун
 8. Гугурт

БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг таклифига биноан Президент Александр Лукашенко бошчилигидаги Беларусь Республикаси давлат делегацияси 1994 йил 21-23 декабрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўбаси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ БАЁНОТИ

Чеченiston Республикасидаги воқеалар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги қуйидагиларни маълум қилишни зарур деб ҳисоблайди:

Чеченiston Республикасидаги воқеалар Россиянинг ички ишлари. Чунки Чеченiston Республикаси Россия Федерациясининг субъекти бўлиб, у ерда Россия давлатининг Конституцияси ва барча қонунилари амал қилади.

Ўшундай пайтда биз мазкур минтақادا барқарорликка эришиш учун сиёсий воситалардан, музокаралар жараёнидан ҳар томонлама фойдаланиш, қонунийликка, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш тарафдоримиз.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 14 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1994 йил 14 декабрь кuni бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ўн учта банк иштирок этди. Сотув ҳажми 8,12 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати -- 25,0 сум даражасида қайт этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1994 йил 15 декабрдан бошлаб ҳисоб ва боғжона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сумга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади *):

| | |
|-------------------------------|-------------------------------|
| 1 Австралия доллари 19,41 | 10 Португалия эскудоси 1,55 |
| 1 Австралия шиллинги 2,26 | 1 Сингапур доллари 17,06 |
| 1 Англия фунт стерлинги 39,01 | 1000 Туркия лираси 0,67 |
| 10 Бельгия франки 7,73 | 1 Финляндия маркеси 5,13 |
| 1 Голландия гульдени 14,19 | 1 Франция франки 4,62 |
| 10 Греция драхми 1,03 | 1 Швеция кронеси 3,32 |
| 1 Дания кронеси 4,06 | 1 Швейцария франки 18,83 |
| 1 АҚШ доллари 25,00 | 1 ЭКО 30,27 |
| 1 Миср фунти 7,36 | 10 Япония иенеси 2,49 |
| 1 Индия фунти 38,46 | 1000 Россия рубли 7,49 |
| 1 Исландия кронеси 0,36 | 1 Эстония кронеси 1,98 |
| 10 Испания песети 1,89 | 1000 Украина карбовонеси 0,23 |
| 100 Италия лираси 1,53 | 1 Латвия лати 45,37 |
| 1 Канада доллари 18,02 | 1 Литва лити 6,25 |
| 1 Кувейт динори 83,40 | 1 Қозғистон тенгеси 0,47 |
| 100 Ливан фунти 1,52 | 1 Молдова лейи 5,85 |
| 1 Германия маркеси 15,91 | 1000 Беларусь рубли 2,72 |
| 1 Норвегия кронеси 3,64 | |

*) -- Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбурийлигини олмаган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1994 йил 15 декабрдан бошлаб махсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйидаги тижорат қийматини белгилади:

-- сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари -- 25 сум;
-- сотиш қиймати: 1 АҚШ доллари -- 25 сум.

Хорижий валютани сотиш чоғида сум билан воситачилик ҳақи олинади.

25 декабрь — сайловлар кuni

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

1994 йил 13 декабрь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисни комиссия раиси Қ. Аҳмедов бошқарди.

Комиссия Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тайёргарликнинг бориши тўғрисида Марказий сайлов комиссияси котибияти мудири В. Абдуллаевнинг ахборотини тинглаб, республикада бошланган сайлов кампанияси ҳамма жойда Конституция талаблари асосида, сайлов тўғрисидаги қонунга қатъий мувофиқ равишда ўтаётганини, барча тайёргарлик ишлари сайловни демократия ва кенг ошкоралик руҳида ўтказишга қаратилганини қайт этди.

Ҳамма жойда депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари бўлмоқда. Бу масъулиятли тadbирларда шаҳар ва туман ҳокимликларининг қўмағи билан округ ва участка сайлов комиссиялари бевосита иштирок этмоқда. Учрашувлар асосан сайловчиларнинг фаоллиги, мўқбил номзодларнинг аҳдллги ва ўзаро хурмати руҳида ўтмоқда.

Барча сайлов участкаларида сайловчилар рўйхатини тузиш иши тугалланди. Сайловчиларнинг умумий сони 11120219 кишидан иборат. Рўйхатлар барчанин-

лиги ҳисобга олиб ташкил этилиши, сайловдолик кампаниясида депутатликка номзодларнинг барчаси учун тенг шароит бўлишини таъминлашни тавсия этди.

Республика алоқа вазирининг биринчи ўринбосари Т. Раҳимовнинг Олий Мажлисга тайёргарлик дaвpида қилинаётган ишлар тўғрисидаги ахбороти тингланди. Вазирликка барча алоқа воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун қўшимча қораларни қўриш, бориш қийин бўлган ва олис жойлардаги сайлов участкаларига хизмат қилишга алоҳида эътибор бериш тавсия этилди.

Марказий сайлов комиссияси хорижий кузатувчиларнинг кўраққа осылдиган гувоҳномаси шакли ва матнини тасдиқлади.

Марказий сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик қилиш ва уни уюшқоқлик билан ўтказишда округ ва участка сайлов комиссияларига амалий ёрдам бериш учун Марказий сайлов комиссияси аъзоларини ва комиссия котибияти маъсул ходимларини жойларга юборишга қарор қилди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди.

Даниэл Блессингтон сайлов тизимларини қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро жағмаранинг кўп йиллик тажрибаси мустақил Ўзбекистоннинг илк парламенти сайловига қўл келиши ҳамда бу борада ҳамкорлик қилишга тайёргарлигини билдирди. Учрашувда ушбу сайловнинг аввалги сайловлардан фарқини белгилашдаги мезонлар, унга тайёргарлик жараёнининг ташкил этилиши ҳамда матбуот орқали ёритилиши билан боғлиқ масалалар бўйича фикрлашиб олинди.

Янгиликлар

«Халқ сузи» ва ЎЗА мухбирлари хабар қиладилар

ЎЗБЕКИСТОН

ТОШКЕНТ шаҳар ҳокимлигида Даниянинг «Ново нордик» фирмаси «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жағмарасига умумий қиймати 12 млн доллар турадиган поливитами дармон-дориларни топширди. Бу микродорлар дармон-дори қий буйи бемор ва заиф болалардаги витамин етишмаслигини қоплашга етади.

ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг таъқондочилар командаси спорт мавсуми нўҳосида йирик муваффақиятни қўлга киритди. У Санкт-Петербургда «Буюк Пётр кубоги» учун командалар мусобақаси голиби бўлди. Ўзбекистонликлар бешинчи халқаро шарқона кураш усталари мусобақасида иштирок этган 17 та терма команда вакиллари билан ўзини муваффақ бўлдилар.

ТОКИО. Аини пайтда Москва ва Токио дипломатия каналлари Россия ташқи ишлар вазири Андрей Козиревнинг Японияга ташрифи ҳақида маслаҳатлашувлар олиб бормоқда. Япония Ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили бу ҳақда журналистларга маълум қилди.

БУЭНОС-АЙРЕС. Уругвай Ички ишлар вазирлиги 27 ноябрда бўлиб ўтган умумий сайловлар натижасини эълон қилди. Сайловда галаба қозongan «Колорадо» партияси эндиликда мамлакат Бош ас-самблеясида (парламент) ўз мақенини мустаҳкамлаб олди. Шунингдек, сайловда 31 фoиз oвоз олган «Прогрессив учрашувлар» сўл марказчилик ҳаракати ҳам катта муваффақият қозонди.

Президент сайловларида галаба қозongan «Колорадо» партиясининг номзоди Хулио Мария Сангнетти 1 мартдан бошлаб ҳукумат бошлиғи лавозимига киришади.



Фаргона шаҳридаги 3-автокорхона ташкил топганига 35 йил тўлди.

Корхонанинг 240 дан ортиқ юк машиналари Кува, Фаргона, Кувасор шаҳарларида барпо этилаётган йирик саноат курилишларида иштирок этмоқда.

СУРАТДА: корхонанинг таърибли хайдовчиси Валижон Орипов.

АНДИЖОН вилоятидаги маданият муассасалари қаторига оилавий «Камалак» кўғирчоқ театри қўшилди. Бу театр Тўрткўл қишлоғида, узоқ йиллар маданият муассасаларида ишлаган Рўзбой Матбобоев хонадонига ву-жудга келди.

НАМАНГАН вилояти ҳокимлиги ва қасаба уюшмалари вилоят кенгаши ҳар йили пахта йиғим-терими мавсумида машҳур чевар термичи Тожиҳон Асқарова номидаги совринни таясиз этади. Бу йил Наманган вилоятида ўттиз нафар чевар термичи ана шу соврин берилди. Уларга фахрий ёрликлар ва пул мукофотлари топширилди.

КОНИМЕХ тумани Ҳамид Олимжон номидаги жамоа ҳужалигининг Шодибек қишлоғига газ келди.

Республика ҳукуматининг илчил сибсати, тadbиркор раҳбарларнинг сaъй-ҳаракатлари туфайли бу ердаги 400 хонадонга табиий газ уланди. Туман марказидаги Абай номи кўчада ҳам 160 хонадонга табиий газ кириб боради.

ЛАГОС. Қайта чоп этила бошлаган муҳолифат рўзномалари -- «Конкорд», «Панч» ва «Гардиан» Нигерия ҳарбий ҳукумати томонидан яна ёпиб қўйилди. Бунга сабаб генерал Сани Абахи ҳарбий режими-нинг газеталар ҳукумат хавфсизлигига хавф туғди-раятти, деган айбномаси-ди. Чунки, яқинда «Панч» газетаси, Нигерия шимолидаги Энгу шаҳри-да солдатлар 38 та жанга-рини оломон кўз ўнгига қатл этилгани ва уларнинг қариндош-уруғлари томо-нидан олинмаслиги учун биродарлик қабристонига келтирилиб устидан иш-қор тўкилгани ҳақида ха-бар берган эди.

ХАНОЙ. 13 декабрда Хитой машинасозлик саноати вазири ХЭ Гуань Юань ва Вьетнам оғир саноати вазири Чан Лонг икки мамлакат учун муҳим битимни имзоладилар. Битимга асосан иккала давлат машинасозлик саноати ҳамкорликда иш олиб боради.

ОЛМАТИ. Россия тим-солида биз ўзимизнинг та-биий иттифоқимизни ку-рамиз. Аинқасда ўртама-даги ҳамкорликда ва қо-лаверса, узоқ асрларга бо-риб тақаллаган анъана-вий дўстлик ришталари-да бу нарсга яққол аке этади, деди Нурсултон Назарбо-ев сешаба кuni бўлиб ўтган йиғинда. Қозғистон бил-дан Россия бундан кейин ҳам бозор муносабатлари-ни янада тақомиллашти-риши керак, деди Қозғи-стон раҳбари.

БОНИ. Германия Бун-дестади ГФРнинг 1995 йи-лиги бюджет лойиҳасини муҳокама қилишга ки-ришди.

Ҳукумат мамлакат бюд-жетининг келгуси йилдаги харажат қисмини 484,1 миллиард марка микдорига белгилади. Бу эса жорий йилдагидан 0,9 фoиз кўн-ди.

Қадриятларимиз

Пойтахтимизнинг тарихий обидаларидан энг каттаси ҳисобланган Абулқосим мадрасаси Эски шаҳарнинг жанубий қисмидаги қадимий Бешёғоч даҳасида, Қўрғон дарвозасининг яқин ерида жойлашган бўлиб, ўтмиш гўзаллигини ўзида намойён этиб турибди.

Кейинги йилларда мадраса яқинида Халқлар дўстлиги саройи, метро бекати, Алишер Навоий ёдгорлиги, катта ва кичик фавворалар туркуми, «Наврўз» бахт уйи, хизмат курсатиш биноларининг кўп қаватли турар жойлар билан уйғунлашган ҳолда қурилиши натижасида ҳозирги замоннинг йирик метаморфоз ансамбллари билан биригди. Замонавий усулда бунёд этилган кенг майдон аста-секин Тошкент шаҳрининг энг шинам ва жозибали жойларидан бирига айланиб бормоқда.

Абулқосим мадрасасининг тарихи ҳамда қурилиш даврини аниқлаш борасида олиб борилган кўп йиллик илмий изланишлар, қадимги тарихий ҳужжатлар ва шу даҳалик нуруний қарияларнинг берган маълумотларига қараганда, унга XIX асрнинг бошларидаёқ асос солинган.

Тарихий маълумотларга кўра, 1897, 1907, 1966 йиллардаги, айниқса, 1946 йилнинг 2 ноябрдан 3 ноябрга ўтар кечаси бўлиб ўтган кучли «Чотқол» zilзиласи натижасида мадраса пештоқи, мезаналари ва иккинчи қават ҳужралари қаттиқ шикастланиб, вайронга айланган.

Метаморфоз шакли ва геометрик ўлчам жиҳатидан шаҳримиздаги обидалар ичида энг йириги бўлган Абулқосим мадрасаси ўтмишда «Қорихон эшон», «Маъдихон қози», «Абулқосим шайх», «Абулқосим эшон» ва кейинчалик ҳатто шу обидадан ўтувчи кўча номи «Янги маҳалла» дея аталиб келин-

ган. Мадраса биноси таркибига кирувчи «Хонақои мўйи муборак» эса 1820 йили Абулқосимнинг отаси ҳаётлик давридаёқ бунёд этилганлиги аниқланди. Урта аср меъморчилигининг кўп йиллик тажрибалари, ютуқлари ва қонуниятларига кенг таяниш асосида 1855 йилга келиб «Хонақои мўйи муборак»қа муайян ва узвий боғлаб Абулқосим томонидан олди томони икки қаватли,

АБУЛҚОСИМ МАДРАСАСИ

қолган томонлари бир қаватли қилиб мадраса биноси қурилади. Кейинчалик ёдгорлиқнинг жануби-шарқий томонига икки куббали қилиб ҳаммом, шимолий томонига эса уч хонадан иборат синҷор масжид солинади. Булардан ташқари бош фасадни ҳовузли кенг майдонга чиқилган обиданинг жануби-шарқий томонидан унча катта бўлмаган мазор бўлган, мадраса ҳовизисидан усти гўмбаз қилиб беркирилган ёпик сув ҳавзаси-Сардоба қурилган. Шу тариқа ўрта асрлардаги шаҳарлар учун хос ҳисобланган даҳа ичидаги маҳалла меъморий ансамбли таркиб топган. Мадрасанинг жанубий то-


монидаги ҳаммом ва Сардоба асримизнинг 40-йилларига қадар халқимизга хизмат қилиб, кейинчалик бузилиб кетган. Ҳозирги кунда ҳаммом ва Сардобанинг пойдеворлари сақланиб қолган, келажакда бу ерда археологик қазиниш ишлари вақтида очилган, пойдеворларни кўтариб жойида қотириб консервация қилиш мўлжалланмоқда.

Мадраса дарвозасидаги уймакор эшикни ўратепалик уста Ҳасанбой 1856 йилда ишлаган. Лекин 1940 йилда бу эшик Муқимий номидаги музыкали драма театри биносига кўчириб ўрнатилган.

Қўқалдош мадрасаси сингари бу ерда ҳам дарво-

Абулқосим мадрасаси ўша замондаги олиёулғў юрти ҳисобланиб, унда маҳаллий аҳоли болаларидан ташқари қирғиз, татар, қозоқ ва бошқа

рош, қоровул ва бошқа хизматчилар учун махсус ҳужралар ажратилган. Бир йўла 150 нафар муллавақча таълим олган мадрасада дарслар асо-



задан қираверишда чапда таълим олишган. Бу илм даргоҳида Ислому дини қонун қондалари, шариат ҳукмлари билан бирга, дунёвий фанлар -- араб ва форс тили грамматикаси, адабиёт, одоб-ахлоқ, математика, геометрия, астрономия каби фанлар ҳам ўқитилган. Юзлан ортиқ хонадан иборат мадраса ҳужраларида икки нафардан то беш нафаргача талаба истиқомат қилган. Дахлиз, юз-қўл ювадиган обреханик, қишда исиниб ўтириш учун танча, мурили ошхона ва ўрин-қўрпа йиғиб қўйиш учун сури бўлган. Булардан ташқари мадрасада мударрис, мутавалли, имом, ҳалфа, домла, муаззин, фар-

сан -- бошланғич (адно), ўрта (авсат) ва юқори (аъло) босқичда олиб борилиб, унда араб ва форс тиллари мукаммал ўргатилган.

1979 йилдан бошлаб Ўзбекистон маданият ёдгорлиқларини таъмирлаш илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти ушбу ёдгорликни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, илмий таъмирлаш ишларини йўлга қўйди. Таъмир лойиҳаси асосида тошкентлик усталар билан бир қаторда қўқонлик, бухоролик, самарқандлик ва андижонлик усталар ҳам самарали меҳнат қилдилар. Абдужаббор ЯҲҲЕВ.

БИРЛАШМА ОЧИҚ ҲИССАДОРЛИККА АЙЛАНТИРИЛДИ

Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманидаги Қипчоқ участкасида агротаъминот-тузатиш бирлашмаси ташкил қилинган эди. У анча йиллар яхши фаолият кўрсатди. Тракторларнинг барча турлари бўйича таъмирлаш ишлари шу ерда олиб борилди, эҳтиёт қисмлар ўзида тайёрланди.

Яқинда бирлашма очик турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Шундан сўнг ишлар янада юришиб кетди. «Техника», «Динамо», «Таъмирчи» деб аталган дўконлар, «Уста» ва «Хунарманд» номли кичик корхоналар очилди. Атлас тўқиш, тикуччилик цехлари барпо этилди. «Хунарманд» кичик корхона-

сида фуқароларга энг керакли бўлган буюмлар ясалиб, ўз дўконларида сотилмоқда. Ҳиссадорликнинг маъноси ва вазифасига тушунган ишчилар сифатни кундан-кунга яхшиламоқдалар.

Х.ОТАМУРОДОВ, нафақадор.

«ЭКОСАН» ПОЕЗДИ — НАМАНГАНДА

Ўзбекистон «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси ташвиқот поездининг Наманган вилояти бўйлаб қилган сафари ниҳоясига етди. Республиканинг етакчи тиббиёт мутахассислари бир ҳафта давомида Наманган, Уйчи, Поп, Чуст, Мингбулоқ, Учқўрғон туманларидаги экологик вазият ҳамда туманлардаги марказий ва ҳудудий шифохоналар фаолияти билан танишдилар. Даволанаётган беморларни кўриб, врачларга зарур маслаҳатлар бердилар. Аҳоли билан учрашиб уларни қабул қилдилар. Шунингдек, ногиронлар истиқомат қилаётган хонадонларда тиббий хизмат кўрсатдилар. Шу билан бир қаторда шифохоналар, поликлиникаларга до-ри-дармон, бир марта ишлатиладиган шприцлар ҳамда кам таъминланган оилалар ва ногиронларга инсонпарварлик ёрдами сифатида кийим-кечак, шифобахш шарбатлар тарқатилди.

А. МАДАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚАДРЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий, тарихий-бадиий

«МАНДИРА»

журналига обуна бўлишни унутмадингизми?

Журнал ҳар ойда бир марта чиқади.

Обуна баҳоси:

Бир йилга 64 сўм 80 тийин.

Олти ойга 32 сўм 40 тийин.

«Мулқот» журнали кўнглингизга нур, фикрингизга зўб, хонадонингизга файз бахш этишига ишонамиз.

ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДА

Қасби туманидаги бўрдоқчиликка ихтисослашган «Талишбе» жамоа-ширкат ҳужалиги бир неча йиллардан буён йиллик режаларини барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли ушлаб келаяпти. Бу эса моддий фаровонлик омилли бўлаётир. Дароматнинг асосий қисми ободончилик ишларига сарфланмоқда. Ҳужаликда миллий қурилишдаги чойхона қурилади, болалар бочаси бунёд қилинди, тиббиёт пункти барпо этилди. Йўлларнинг асфальтлангани қишлоқлар чиройини очиб юборди. Мактаб учун қўшимча бинолар қурилади. Янги билим масканининг таъминоти тахтлаб қўйилган. Яқинда эса 400 га яқин ҳужалик истиқомат қилаётган қишлоққа табиий газ келтирилди.

— Бу ишларнинг ҳаммасига ҳамжиҳатлик билан қилнган меҳнат туғайли эришамиз, — дейди ширкат раиси Баҳром Турсунов. — Ҳали мўлжалланган ишларимиз кўп. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш юзасидан ҳам аниқ тадбирлар белгиланган. Насиб эса, қиш мавсуми кўнглидагидек ўтди.


С. ҲАКИМОВ

"СОВГА" ЛОТЕРЕЯСИ


БУ СИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН ЛОТЕРЕЯДИР!

Бунақаси ҳеч бўлмаган! "Совга" лотереяси Сизга реал ютуқ ютиш имкони беради! Лотерея ўйинига автомобиллар, видеоаппаратуралар, телевизорлар, мебель комплекслари, гиламлар ва турли хил халқ истеъмол моллари қўйилган.

Ютуқ чиқиш имкони катта, чунки лотереяга умумий сумманинг 70 фоизи ютуқ сифатида тарқатилади.



бу Сизнинг орзуингиз!



"СОВГА" лотереяси чипталарини Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банкнинг барча муассасаларидан, апоқа бўлимларидан, савдо корхоналаридан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин. Билет баҳоси - 10 сўм.

Шошилиг! Ютуқлар тиражи 28-29 декабрда Тошкент шаҳридаги "Наврўз" саройида ўтказилади.

Лотерея сотиб олинг ва тиражда қатнашинг!

Сизга омад тилаймиз!

Маълумот учун телефонлар: 45-35-49, 45-66-43, 33-81-95.

"СОВГА" ЛОТЕРЕЯСИ — Сизнинг оилангиз учун совгадир! "Совга" лотереясини сотиб олиб бахтли қимматбахо ютуқлар: автомобиль, видеоаппаратура, телевизор, мебель ва бошқа халқ истеъмол молларининг эгаси бўлишингиз мумкин.

Шошилиг! Ютуқлар тиражи 28-29 декабрда Тошкент шаҳрида ўтказилади. Тўлиқ маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банкнинг барча муассасаларидан, шунингдек, 45-35-49, 45-66-43, 33-81-95 рақамли телефонлар орқали олишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси "Ўзбексавдо" Жамғарма банки

"Ўзбекбирлашув"



ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖҮРАБОВЕВ.

• БУЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Халқар 33-07-48; Қишлоқ ҳўжалиги 32-07-94; Иқтисодиёт 32-36-65; Маънавият 32-35-60; Аxbотот 32-29-89; Тунги муҳарририят 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир — Э. Бодиев. Навбатчи — Ш. Мутахҳархон ўғли.